

# ИСТЕЪДОД ҲАМДА ИХЛОС УЙЃУНЛИГИ

**Ф.ф.д.Шоира Дониярова**

## Аннотация

Мақолада профессор Олимжон Жўраевнинг илмий ва ижодий ишлари ҳақида қисқача таҳлил этилган.

Калит сўзлар: адабиёт, мумтоз, тарих, Қорахон, Кунтуғди, Ойтўлди, ижод, илмий.

## Аннотация

В статье дается краткий анализ научной и творческой деятельности профессора Алимджана Джураева.

Ключевые слова: литература, классика, история, Карахан, Кунтуғди, Айтўлди, творчество, наука.

## Annotation

The article provides a brief analysis of the scientific and creative work of Professor Olimjon Juraev.

Keywords: literature, classics, history, Karakhan, Kuntugdi, Aitildi, creativity, science.

Истиклолдан сўнг, ҳам бадиий ижодда, ҳам илмий тадқиқотда сўз, фикр айтиш эркинлиги ҳамда имкониятлари кенгайди. Кечаги адабиётшунослигимиз ўзини мажбурлаб, сиёсий қолибларга мослаб ижод қилишлари сир эмас. Бу яқин тарихимизда амалга ошган жараён дир. Сиёсий ғояларга мажбурий бўйсиндириш, ижод аҳлининг эркинлигини кишанлаб, белгиланган талабларга бўйсиндириб ижод қилиш анъанаси мовжуд эди. Ана шу эркисизлик йўлида қанчадан –қанча миллатимизнинг асл фарзандлари жисман йўқ қилинди ва руҳан бўйсиндирилди.

Бадиий ижодда ижодкорларимиз ўзига хос тағмаъно ва рамзларни кўллаган бўлса, тадқиқотчиларимиз ҳам имкон қадар ўзлигини, виждонини унитмаганлар. Бу борада фикр юритганимизда албатта шўро сиёсати даврида яратилган асарлар ва тадқиқотлар устидан қора чизиқ тортмаслигимиз лозим деган фикр келади. Иқтидор эгалари эса имкон қадар ўзлигидан чекинмаган тарзда қалам тебратдилар.

Шундай адабиётшунослардан бири Олимжон Жўраевнинг 1985 йилда нашрдан чиққан “Ўзбек классик адабиётида фалсафий-дидактик дostonчилик” номли жажжи китобчаси кўлимга тушди. Илк саҳифада Ф.Энгельс, М.Горькийнинг “Адабиёт ҳақидаги” мақоласини кўриб, соцреализм методи устуворлик қилса керак, деган фикрга бордим. Аммо, китобчани ўқиш жараёнида амин бўлдимки, олим гўзал илмий тилда миллий кадриятларимиз, миллий тарихимиз, миллий фольклоримиз ва миллат кишисининг рухий, фалсафий, дунёсини очиб беришга ҳаракат қилган.

Бунда инсоннинг илк тасаввурлари, халқ ҳаётининг ўзак томири фольклорни билмай, миллий тарихни билаш мумкин эмаслиги таъкидланади. Яни халқ орасида кенг тарқалган эртақ ва афсоналардаги “Учар гилам”, “Чопқир этик”, “Очил дастурхон” каби халқнинг турмуш эҳтиёжларига доир қарашлари, орзулари акс этган эртақлардан гап бошлайди. Шунингдек, туркий халқлар ҳаёти ва тарихидан маълумот берадиган Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотут турк” асарининг таҳлилида кузатиш мумкин. “Девон”га кирган лирик парчаларга қараб туркий халқларнинг ўша даврлардаги турмуш тарзи, тирикчилик воситаси бўлган машғулоти, касб-ҳунари, урф-одат ва ҳоказолари ҳақида тушунчага эга бўла оламиз”<sup>1</sup> дейди. Шу орқали миллатимиз тарихи ҳақида батафсил фикр юритади. Жумладан, халқ кўшиқлари, тарихи, бадиий асарлар билан бирга миллий меросимизнинг ноёб дурдоналари бўлган “Қутадғу билиг” ва

---

<sup>1</sup> О.Жўраев. Ўзбек классик адабиётида фалсафий-дидактик дostonчилик. Тошкент ”Фан” нашриёти.1985. Б.5.

“Ҳиббатул –ҳақойиқ” асарларида келтирилган маънавий бойликлардан сўз очади. Бу асарлардаги маънавий меъросни китобхонга, айниқса ёшларимизга англантишга ҳаракат қилади. Бир ўринда “...Бу китоб шулар билан кадрлидир, дейди олим. Ундаги “бири-адл, иккинчиси-давлат, учинчиси-ақл, тўртинчиси-қаноат”<sup>2</sup> каби фикрларга жаддий эътибор қаратади.

Олим асардаги бу фикр орқали инсоннинг адлли, журатли, курашувчан бўлишга ундаш билан бирга, ҳар қандай ҳаракат миллат ва давлат манфаати йўлида қилиниши, ҳеч ким ҳеч қачон халқ ҳамда давлатсиз яшай олмаслигини уқтиришга ҳаракат қилади. Бу йўлда инсонга аввало ақл зарурлиги, ақлли бўлиш эса миллий қадриятлари ва тарихини билишда деб билади. Шунинг учун инсон қаноатли бўлиши зарурлигини таъкидламоқчи бўлгандек тасаввур қолдиради. Бироқ, бу фикрларнинг иккинчи бир томони ҳам мовжуд деб ўйлаймиз. Яъни, миллий ўзлик йўлида журатли, мустақил давлатга эга, фарзандлари ақлли ва имон-эътиқодли, сабр-қаноатли бўлиши, келажак авлоднинг маънавий оламини бойитиши зарурлигини таъкидлаган бўлса, бу эса бугунги кун талабига жавоб берса ажаб эмас. Олим мумтоз адабиётга меҳр қўйар экан буюк боболаримиз меросини ўрганишни ва тадқиқ қилишни мақсад қилганлиги ушбу асар таҳлилига ёндошишида кўринади.

Олимжон Жураев Ўрта Осиё халқлари тарихи билан бирга унинг қадимий бой маънавий меросига ўз муносабатларини билдиради. Асарда Шарқ халқларининг қадимий эпослари ва уларда тасвирланган миллий қаҳрамонлари, “Шоҳнома” асари дастлаб Аҳманийлар давлатининг Шарқий вилоятларида яратилганлиги, қаҳрамонлари Бактрия, Суғд, Марғиёна ва Хоразм воҳалари эканлигини эслатиб, Овесто ҳам қадимги даврларда шу жойларда яратилганини таъкидлайди. Шунингдек, “Тўмарис” афсонасининг Кирга қарши кураши, Гулойим ва унинг канизаклари ҳақидаги “Қирқ қиз” эпосини атрофлича таҳлил қилади. У Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғи

---

<sup>2</sup> Ўша асар. Б.б.

билиг” асарининг яратилиш тарихи ва асарда илгари сурилган бадийий ғоя ва ижодкор бадийий нияти ҳақида атрофлича тўхталади. Олимжон Жўраев Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғи билиг” асри борасида билдирилган фикрлар билан ҳам атрофлича танишади ва баҳсга киришади. Жумладан, Қ.Каримовнинг “Шуниси аниқки, у “Туркий халқларнинг Алп Эртунгиси ажамликларда Афросиёб номи билан айтилишича, Фирдавсийнинг Фаридун, Заҳҳок каби қаҳрамонларидан тортиб то Чин ва Мочин олимларининг ашъорларигача, Ҳинд ражаларидан тортиб Рум қайсарларигачаю, Асир зангиларигача, хуллос ҳамма соҳалардан хабардор, билим доираси кенг, асарида тилга олинган барча хислат мавжуд”лигини келтиради.<sup>3</sup> Олимжон Жўраев Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғи билиг” достони борасида фикр билдирган адабиётшунослар Фитрат ва Қ.Каримов, М.Каримоваларнинг қарашларини ўрганади. Ўз қарашларида бу асар халқ мақоллари замирига қурилгани, “Қутадғу билиг” даги асосий қаҳрамонлар қирғиз халқининг эпоси “Манас” қаҳрамонларини, башқа халқлар фольклори намунаси “Калила ва Димна”ни эслатишини эътироф этиб, асарларни қиёсий таҳлил қилади. У “Қутадғу билиг” ни фалсафий – дидактик дoston сифатида баҳолайди.

Шунингдек, олим Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарини фалсафий-дидактик дostonчиликнинг илк намунаси деб баҳолар экан”<sup>4</sup> асарнинг жанр хусусиятларига атрофлича тўхталади. Унда адабиётшунослигимиздаги фольклор ва адабий дostonларни ғоявий мотивларини икки турга бўлади. Яъни, ишқий-сарғузашт дostonлар (“Равшанхон”, “Муродхон”, “ Маликаи айёр”, “Зулфизар”, “Орзугул”) ва ишқий-қаҳрамонлик дostonларини (“Алпомиш”, “Рустамхон”, “Ойсулув”, “Гўрўғли”) мавзу жиҳатдан ажратиб кўрсатади. Бу дostonларни “Қутадғу билиг” билан қиёсий таҳлилга тортади. Шу ўринда “Қутадғу билиг” борасида фикр билдирган Н.Маллаев билан баҳсга ҳам киришади. Олим, бу

---

<sup>3</sup> Ўша асар. 19-бет.

<sup>4</sup> Ўша асар.23-бет.

асарнинг моҳияти ва бадий қимматини кўрсатишга ҳаракат қилади. Шу сабаб Н.Маллаевнинг “Қутадғу билиг” воқеалари дostonда схематик характерда тасвирланган бўлиб, у қўйилган масалаларни ёритиш ва ҳал этиш учун асос бўла олмайди”<sup>5</sup> деган қарашлари билан келиша олмайди. Бироқ, Н.Маллаевнинг бошқа бир ўринда ўз қарашларини ўзгартирганини, ўзини –ўзи инкор этиб, юқоридаги фикрларини нотўғри эканлигини тан олганлигини ҳам келтириб ўтади ва олимнинг ўз қарашларидаги иккиланишини, ўзини-ўзи инкор этишини кўрсатади. “Қутадғу билиг”нинг ҳар бир боби махсус бир масалага бағишланади, боблар ғоявий мазмуни билан ўзаро боғланиб боради, бири иккинчисини тўлдиради, такамиллаштиради”<sup>6</sup> деган фикрларини Олимжон Жураев”<sup>7</sup> мисол тариқасида келтиради. У “Қутадғу билиг” асарига нисбатан муносабатда ўта самимий, асарнинг бадий баркамол жиҳатларини таҳлиллар асосида очиб беради, ўз хулосаларини асослай олади.

Юсуф Хос Ҳожибнинг образ яратиш маҳорати номли фаслида эса “Қутадғу билиг”ни туркий халқларнинг биринчи фалсафий-дидактик достони сифатида баҳолайди. Бу дostonдаги образ яратиш маҳоратини етти кўринишини тавсифлайди. Асарда ҳаётнинг ва инсоннинг пайдо бўлишини илоҳий кучга олиб бориб боғланганлиги, дунёвий масалаларни диний эътиқодларга нисбатан кўрсатади. Яхшилик ва ёвузлик, инсон қисмати ва характери образлар тизими билан боғлиқ воқеа- ҳодисалар аввало инсоний жиҳатларга, инсоннинг диний-илоҳий эътиқодларига боғлиқ тарзда ойдинлаштирилади. Асардаги асосий образ Қорахон, Кунтуғди, Ойтўлди, Ўгдулмиш образларини қиёсий жиҳатдан таҳлилга тортади. Уларнинг характерига хос жиҳатлар бир-бирига савол-жавоб тарзида очилади. Инсонларнинг билимли ва билимсиз, доно ва жоҳилларга ажратганини кузатиш мумкин.

---

<sup>5</sup> Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент, 1965. 116-117 –бетлар

<sup>6</sup> Ўша асар. 118-бет.

<sup>7</sup> Жураев О. Ўзбек классик адабиётида фалсафий-дидактик дostonчилик. Тошкент “Фан” нашриёти.1985. Б.25.

Олим Юсуф Хос Ҳожибнинг ушбу асарини ихлос ва чуқур меҳр билан ўрганади ва ўзининг муҳим хулосаларини чиқаради. Бу асар китобхонлар, айниқса, ёшлар тарбиясида жуда катта манъба эканлигини эътироф этади.

“Шоир томонидан яратилган мажозий образлар инсонни бебурд қиладиган, бузадиган бир қатор нарсалардан ҳазар қиладилар. Булардан бири-ёлғон гапириш, иккинчиси-ўз сўзининг устидан чиқмаслик, учинчиси-ичкиликка мойилликдир. Булар шубҳасиз инсон умрини эговловчи, уни зое кетказувчи душман феълларидир”<sup>8</sup>-деган фикрларини атрофлича таҳлил қилиб беради. Бу асардаги ҳар бир фикр ўзига хос мантиқ ва фалсафий жиҳатдан ёритилади. “Достонда мажозий маънода яратилган Ойтўлди ва Кунтуғди образларининг характерли томонлари табиат сирларига муқояса тарзида бирин-кетин очила боради”<sup>9</sup>.

Кўриниб турибдики, О.Жўраев “Қутадғу билиг” достонининг бадиий маҳорати, инсон маънавий-ахлоқий оламига таъсири, дунё, инсон, табиат уйғунлиги ва яхшилик ҳамда ёвузлик ўртасидаги азалий кураш масалаларини очиқ беришга ҳаракат қилган. Шунингдек, имон, эътиқод, виждон каби жиҳатларнинг нозик қирраларини илмий таҳлиллар орқали ёритишга, унинг моҳиятини англашга эришган. Шу сабаб олимнинг ушбу жажжи китобчаси бугунги кун кишиси, айниқса, ёш авлод учун муҳим сабақлар бера олади. Бироқ, давр ва мафкура таъсири мавжуд бўлган баъзи ўринлардан кўз юмиш лозим. Олимнинг миллий эътиқоди, миллий дунёқарашини акс эттириш ушбу китобда бежизга фольклар анъаналаридан бошланмаган. Чунки, узоқ ва бой ўтмиши бор халқнинг қадимий инончлари, мифологик қарашлари, инсон ва дунёни англаши адабиётшунос Олимжон Жўраевга хос тафаккур ҳамда бой илмий – адабий меросдир. Олим асарларини англаш янги тадқиқотларнинг юзага келишига замин бўлади деб ўйлаймиз.

---

<sup>8</sup> Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғи билиг, 155-бет.

<sup>9</sup> О.Жўраев. Ўзбек классик адабиётида фалсафий –дидактик достончилик.1985. 33-бет.

